

Н.АБДУАЛИЕВ, А.ЖЎРАЕВ, А.МУРТАЗОЕВ. Ғўза қаторлари орасида бўйлама пол ҳосил қилишда тупроқнинг физик-механик хоссалари ... 37
Р.МУРОДОВ, М.БАРНАЕВА. Экспериментальное изучение влажности почвы ... 39
Ш.САТТОРОВ, А.АБДУЛОЕВ. Дала-ўқув амалиётларида замонавий геодезик технологияларни қўллаш ... 40
Ш.АХМЕДОВ, О.ХОЛОВ, А.НИГМАТОВ. Қуввати 1 кВт. дан 10 кВт. гача бўлган двигателларни тасодифан кучланишнинг росслаш бўйича автоматик қурилма ... 42
Б.ХАКИМОВ, Л.БАБАЖАНОВ. Аралашмали ёнилғиларни қиздириб узатиш қурилмасининг таҳлили ... 42
Э.ҒАНИБОЕВА, Н.ХОЛИҚОВА, А.БОЗОРБОЕВ, Н.ТЕМИРҚУЛОВА. Мотор мойларининг таркибига сув ва механик аралашмаларнинг двигател ишига таъсири ... 43
Н.НУРАЛИЕВА, А.БОҚИЕВ. Ўсимликларга қатор оралаб ишлов берувчи электр механик қурилма ... 44
М.ИБРАГИМОВ, Ў.ХАЛИҚНАЗАРОВ, О.МАТЧОНОВ. Техник чигит намлигини камайтиришда кондуктив ва конвектив усуллардан мақсадли фойдаланиш ... 46
А.САДИРОВ, Б.ТЎЛАГАНОВ, Р.ХУДОЙҚУЛОВ. Чўл яйлов озуқабоп ўсимликларининг уруғ аралашмасини йиғувчи машина ... 47
Р.ЮНУСОВ, М.ИБРАГИМОВ, У.ХАЛИКНАЗАРОВ. Линейный электропривод кормораздатчика животноводческих ферм крупного рогатого скота ... 49
Н.МАРКАЕВ, Ў.ХОЛИҚНАЗАРОВ, Ш.ЮСУПОВ, Х.ХАКИМОВ. Электромагнит майдон энергиясидан электротехнологик мақсадларда фойдаланиш имкониятлари ... 50
У.ХАСАНОВ, А.ЖЎРАЕВ. Текислагич агрегатлари самарадорлигини ошириш ... 51
Р.РУЗИЕВ, И.ЭШМАТОВ, Б.ДАВРОНОВ, Ш.ХОЛИҚОВ. Сутдор эчкиларнинг сутчилик маҳсулдорлигини оширишнинг технологияси ... 52
Л.ОРТИҚОВА. Қизилқум чўл ва адирлари яйловларининг ҳосилдорлигини яхшилаш усуллари ва чоралари ... 53
И.ХАСАНОВ, Ж.ҚЎЧҚОРОВ, У.ХАСАНОВ, М.МУРАДОВ. Экин майдонларини текислашда текисловчи агрегатларнинг умумий ишлашига таъсирини ўрганиш ... 55
Ж.ҚЎЧҚОРОВ, И.ХАСАНОВ, А.ЖЎРАЕВ, Б.ТЎРАЕВ. Узун базали текислагичга ўрнатилган юмшатувчи қурилмаларнинг қаршилигини аниқлаш ... 56
Х.НУРИДДИНОВ, Ж.РЎЗИҚУЛОВ, Д.АШИРОВ, Г.ТИЛЛОЕВА. Ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмаси лемехининг тўлиқ коэффициентини аниқлаш ... 58
З.ЭРГАШОВ, Ж.РЎЗИҚУЛОВ, Б.ТЎРАЕВ, Н.ФАРМОНОВ. Ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмасининг энергия тежамкорлигига лемех параметрларининг таъсири ... 59
Ҳ.ОЛИМОВ, З.ЭРГАШОВ, Қ.РЎЗИҚУЛОВ, Ж.РЎЗИҚУЛОВ. Ғўза қатор ораларида бўйлама пол ҳосил қилиш қурилмаси бункери йўналтиргичининг параметрларини асослаш ... 61
А.ЖЎРАЕВ, И.ХАСАНОВ, С.ОРЗИЕВ, Ж.РЎЗИҚУЛОВ. Муваққат ариқ қазигич иш самарадорлигини ошириш ... 62
У.ХОЛИЁРОВ, С.НОСИРОВА. Ўрмон хўжалигида иқтисодий тадқиқотларни ривожлантириш муаммолари ... 64
А.БАБАДЖАНОВ, Ф.ШАФКАРОВ. Аграр соҳада илмий тадқиқот ишларини молиялаштириш тизимини такомиллаштиришнинг илмий асослари ... 65
М.МАҚСУДОВА. Паррандачилик саноатининг ривожланиши ... 66
А.ИНОБАТОВ, Ф.ПОЛВОНОВ. Жаҳон чорвачилигида ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятлари ... 68
А.РАДЖАБОВ, М.ИБРАГИМОВ, Н.ЭШПУЛАТОВ. Мева шарбати ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш омиллари ... 69
Х.КАРИМОВА. Математик моделлар орқали ердан фойдаланишнинг оптимал вариантини аниқлаш ... 70
А.МЕРГАНОВ. Мева-сабзавот маҳсулотларини ташиш шароитларини танлаш масаласи хусусида ... 71
Ш.ЗИЯЕВА. Применение новых информационных технологий при совершенствовании управления сельского хозяйства ... 73
Б.РАХМАНКУЛОВА, Д.ТОЛИПОВА. Основные направления развития информационно-консультационной службы в аграрном секторе ... 74
З.АБДУЛЛАЕВ, С.МИРЗАЕВ. Согласование результатов расчета и вывод рыночной стоимости сельхозучастка ... 75
Л.ИСАЕВА. Дуккакли дон экинлар – қўшимча даромад манбаи ... 76
М.АЗИМОВА. Суспензияларни қўллашнинг пахта ҳосилига таъсири ва иқтисодий самарадорлиги ... 77
Г.ШОДМОНОВА. Қишлоқ хўжалик корхоналари ихтисослашувини моделлаштиришга услубий ёндашув ... 78

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил
10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.
Манзилимиз: 100004, Тошкент ш., Шайхонтоҳур т.,
А. Навоий к., 44-уй.
Тел: +998 71-242-13-54,
+998 71-242-13-24.
www.qxjurnal.uz
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
qxjurnal@agro.uz
telegram kanali: qxjurnal.uz

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2019 йил 11 ноябрь. Босишга рухсат этилди: 2019 йил 11 ноябрь. Қоғоз бичими 60х84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозига чоп этилди. Шартли босма табоғи 4,2. Нашр ҳисоб табоғи 5,0. Буюртма №43. Нусхаси 200 дона.
«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа бўлимида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Шароф ва Тукмачи кўчалари кесишуви.

Навбатчи муҳаррир: Б.ЭСОНОВ
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА

O'QUV-USLUBIY BOSHQARMA

$$W_t = \frac{P_t}{A_t \cdot B}, \quad \frac{кВт \cdot с}{т}$$

Бу ерда P_t – ускунанинг қуввати, A_t – ускунанинг унумдорлиги, B – ажратиб олинаётган шарбат миқдори.

Натижада мавжуд ва таклиф этилаётган технологик бўйича 1 тонна шарбат ишлаб чиқариш учун умумий сарф бўлаётган электр энергиясининг эквивалент қийматини топамиз:

$$W_{м(эм)1} = W_{м.1} + W_{ш} = 10,605 + 60,6 = 71,205 \frac{кВт \cdot с}{т}.$$

$$W_{м(эм)2} = W_{эм} + W_{ш} = 10,395 + 46,6 = 56,995 \frac{кВт \cdot с}{т}.$$

Мавжуд ва таклиф этилаётган технологик бўйича 1 тонна шарбат ишлаб чиқариш учун сарфланаётган солиштирма электр энергияси сарфининг фарқи қуйидагига тенг бўлади:

$$\Delta W = W_1 - W_2 = 71,205 - 56,995 = 14,21 \frac{кВт \cdot с}{т}$$

Ахборот манбаларида меваларга электрофизик таъсирлар (электр токи, магнит майдони ва ҳоказолар) шарбат олиш самарадорлигини оширишни келтирилган /2/. Ушбу тадқиқотларда, электроплазмолиз (меваларга пресслашдан олдин кичик частотали электр токида, 220 В кучланишда контактли ишлов бериш) ҳужайраларнинг цитоплазма қобиқларини ўлдиришда ва пресслаш жараёнида шарбат чиқишини оширишда самарали усуллардан бири эканлиги таъкидланган. Электроплазмолизатор ёрдамида биологик маҳсулотлардан шарбат чиқишининг ошишига асосан юзага келган термодинамика ҳисобига эришилганлиги ва натижада олмадан 80% гача, узумдан 82% гача, олхўридан 60-65% гача шарбат чиқишига эришиш мумкинлиги қайд этилган. Ушбу технологик мевалардан шарбат олиш амалиётида кенг қўлланилмаётганлигининг асосий сабаби электроплазмолиз жараёни катта миқдорда электр энергия истеъмоли билан боғлиқлигидадир.

Кейинги йилларда олиб борилган тадқиқотларда узум ва бошқа ўсимликлар дунёсига мансуб материалларга қуритишдан олдин электр импульсли ишлов бериш уларни қуритиш жараёнида энергияси сарфини камайтиришни қайд этилган. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, узум ва мевалар тўқималари тирик ҳужайраларини импульсли электр ишлов бериш таъсирида «ўлдириш» ҳисобига шарбат чиқишини оширишга ва энергияни тежашга эришиш мумкин деган илмий гипотезани илгари суриш мумкин. Шунинг билан биргаликда электр импульсли ишлов бериш жараёнида шарбат таркибининг бузилишига олиб келувчи микроорганизмларга ҳам таъсири оширилган мева шарбатининг узоқ сақланишига шароит яратилиши мумкин, деган гипотезани илгари суришга ҳам асос бўлади.

А.РАДЖАБОВ,
т.ф.д., профессор,
М.ИБРАГИМОВ,
т.ф.н., доцент,
Н.ЭШПУЛАТОВ,
ассистент, ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. *Самсонова А.Н., Ушева В.Б. Фруктовые и овощные соки. Техника и технология. – М.: Агропромиздат. 1990. – 286 с.*
2. *Фаерманбаум Б.Л., Бычков А.А., Груз И.С., Зильбер З.Я. Производство фруктовых соков. Кишинев. – 1958.-63 с.*
3. *Раджабов А. Теоретические основы электрообработки плодов и винограда перед сушкой. Сб. трудов ТИИИМСХ. Электромеханизация производства сухофруктов и кишмиша. – Ташкент. 1984. Вып. 134. С.20-30.*

УЎТ: 330.115

МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАР ОРҚАЛИ ЕРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ОПТИМАЛ ВАРИАНТИНИ АНИҚЛАШ

In this work, we study the main approaches to the development of farming, including a number of tasks related to the assessment and selection of optimal options for land using of farms, the prediction of their territorial development for the medium and long term, including projections for the predict of production, processing and sale of products.

Ер ресурсларига оид соҳани бутун жамият ва унинг ҳар бир аъзосининг ҳаётини таъминлаб бериш учун муҳим аҳамият касб этадиган соҳадир. Энг муҳим аҳамиятли томони, қишлоқ хўжалиги учун ажратилган ерлар бўлиб, булар мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш асосидир. Бу ерлар умумий ер майдонларининг жуда кам улушини ташкил қилади, ҳамда ердан фойдаланишнинг иқтисодий, экологик ва ҳуқуқий асосларининг етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги учун уларнинг ҳолати йилдан-йилга ёмонлашиб бормоқда. Ердан оқилона фойдаланишнинг комплекс чора-тадбирлари ичида ердан фойдаланишни такомиллаштириш асосий ўринлардан бирини эгаллайди, бунга қўшимча ер муносабатларини тартибга солиш, ерга эгалик қилиш, табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини тартибга солиш, шунингдек, ташкилий-ҳуқуқий, ахборот, мутахассис кадрлар, техник, технологик ва агрономик характердаги масалалар ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида рақобатбардош маҳсулотлар етиштириш учун ердан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эга. Айнан шу муносабат билан кўп тармоқли фермер хўжаликларининг ташкил топиши ва ерларнинг уларга ижара асосида берилиши ерга бўлган муносабатни жуда ўзгартирди. Бундан ташқари, кўп тармоқли фермер хўжаликларида хўжалик юритишнинг бошқа турларига нисбатан асосий ишлаб чиқариш воситаси бўлган ердан фойдаланиш самараси юқори бўлмоқда.

O'QUV-USLUBIY BOSHQARMA

Ердан фойдаланишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабни қондириш учун ресурслардан фойдаланишни тавсифлаб берадиган тизимлар яратиш иқтисодий математик моделлаштиришнинг асосини ташкил этади. Иқтисодий, ижтимоий, экологик боғланишларни ўрганиш учун ердан фойдаланишни бошқаришда асосий иқтисодий қонуниятларни ва жараёнларни тенглама ёки тенгсизликлар кўринишида ифодаловчи иқтисодий математик моделлаштиришлар қўлланилади. Математик моделлаштиришдан фойдаланиб, ердан фойдаланишнинг энг мақбул ўлчамини, қишлоқ хўжалик корхоналарининг оптимал ўлчамини аниқлашда кенг фойдаланиш мумкин. Ҳозирги шароитда турли мулкчилик шаклларида корхонанинг ўлчамини ўзгаришини ҳисобга олиб, бу ҳолатни элементар математик ҳисоблар билан амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун шундай усулни ишлаб чиқиш керакки, унинг ёрдамида берилган критерийлар вариантлари асосида энг оптималини танлаш мумкин бўлсин. Бу ҳолда қуйидаги фонларга таяниш керак бўлади.

Биринчидан, ҳозирда шаклланган қишлоқ хўжалик корхонасининг ўлчами билан. Иккинчидан, қишлоқ хўжалик корхоналарининг ихтисослашуви тўсатдан пайдо бўлмаганлиги, бу ишлаб чиқаришнинг аниқ табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларидаги узоқ йиллик ривожи натижаси эканлиги. Учинчидан, қишлоқ хўжалик корхонасининг ўлчами ҳар хил кўрсаткичлар билан ифодаланиши. Шунинг учун қишлоқ хўжалигини самарали юритишда ҳал қилинадиган ер асосий ролни ўйнаганлиги учун, территориянинг барқарорлиги ва бутунлиги муҳим шароит ҳисобланишини ҳисобга олиб, кўп ўлчамли ёндашувдан фойдаланиш мумкин. Тўртинчидан, ишлаб чиқаришнинг иқтисодий натижалари, ҳолатига боғлиқ, чизиқли эмас ва шунинг учун ҳам тадқиқот натижаларини умумлаштириш жуда мураккаб. Хўжаликлар сони кўп бўлганда чизиқли бўлмаган алоқа ва боғланишларни ишлаб чиқишда бир йиллик натижалар билан чекланса бўлади, ишлаб чиқариш тузилмасини оптималлаш учун эса, энг камида беш йиллик давр танлаш зарур бўлади. Бешинчидан, қишлоқ хўжалик корхонасини оптималлаштиришнинг нисбатан ёндашуви мавжуд, аввало корхонанинг бир бутун ўлчамини аниқлаб, ундан кейин хўжалик ичи ва бўлинмалари ишлаб чиқариш ўлчамларини аниқлаб, олинган натижалар асосида бутун хўжалик бўйича хулоса қилиш мумкин бўлади. Тадқиқотлар барча ёндашувнинг камчилик жиҳатини кўрсатади. Олтинчидан, хўжалик ўлчамига турли хилдаги ва қарама-қарши кўплаб омиллар таъсир қилади. Улардан бири — бошқарилувчанлик. Корхона ишларининг самарадорлиги хўжаликнинг бошлиғи ва унинг мутахассисларига боғлиқ, лекин бу омилни миқдорий жиҳатдан ҳисобга олиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қаралаётган оптималлаштиришни ёндашувида унинг таъсири оқилона натижавий қарор қабул қилишда ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган омиллар бўйича маълумотлар йиғилиб, уларни мақбул дастурга киритиб, натижа олинади. Шундай қилиб, ер майдонлари бўйича оптимал ва мувофиқ ўлчамли хўжаликларда ишлаб чиқаришнинг ички тармоқ тузилмаси бўйича оптималлаштириш хўжаликнинг иқтисодиётни либераллаштириш шароитида рақобатбардош, енгил бошқариладиган ва максимал маҳсулот ҳамда фойда оладиган бўлишига хўжалик фаолиятини мувофиқлаштиришга имкон беради.

Х.КАРИМОВА,
и.ф.н, ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

Авезбаев С., Волков С. Ер тузишнинг илмий асослари. Тошкент: "Янги аср авлоди". 2002.
Shadmanova G., Z.Abdullaev. Er tuzishda iqtisodiy-matematik usullar va modellar. O'quv qo'llanmasi, «Musiqa» 2007.
Волков С.Н. Экономико-математические методы и модели в землеустройстве. Учебник. М. «Колос» 2001.

УЎТ: 656.236.1

МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАШИШ ШАРОИТЛАРИНИ ТАНЛАШ МАСАЛАСИ ХУСУСИДА

This article analyzes the advantages and disadvantages of package transportation, using economic criteria and principles of logistics. The scopes of application of pallets for transportation of fruit and vegetable products on the basis of specific technical and economic indicators are determined. The dependences of the cost of 1 t-km transportation of fruits and vegetables on the distance and the size of the transport batch are determined. The expenses for loading and unloading cargo from a refrigerated wagon were calculated for 1 ton and for the entire transport consignment.

Юкларни пакетлаб ташишнинг устун жиҳатлари маълум бўлса ҳам, бироқ ана шу самарали ташиш усули кўплаб сабабларга кўра бугунги кунда ўта суст ривожланмоқда. Бу йўналишда иқтисодий тараққий этган давлатлардан ортда қолишимизнинг асосий сабаблари техник-иқтисодий асосланмалар ва пакетли ташишларни татбиқ этиш бўйича муайян ташкилий чора-тадбирлар йўқлигидадир. У ҳар иккиси шарт ҳам тараққий этиб бораётган бозор иқтисодиёти шароитларида алоҳида мазмун-аҳамият касб этади. Ушбу тадқиқот мева-сабзавот маҳсулотларининг Ўзбекистон Республикаси ва МДҲ мамлакатлари темир йўлларида рефрижератор вагонларнинг юк операциялари остида туриб қолиш вақтини, юк ортиш-тушириш ишларига сарфланадиган меҳнат сарфини ва бу ишлар таннархини камайтириш мақсадида пакетли ташишни ривожлантиришнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлашга қаратилган. Тадқиқот услублари бошқарув ва бозор йўлининг мавжуд услуб ва усулларини, мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб бериш вариантларини ўзаро

O'QUV-USLUBIY BOSHQARMA